

BIOLOGICAL DEVELOPMENT OF A CAMELUS DROMEDARIUS WEDDING

A T Yesimbetov - Doctor of Biological Sciences, Associate Professor.

A K Tleumuratov-Assistant.

Nukus branch of Samarkand Veterinary Medical Institute.

Abstract: This article presents the biological, productivity, and reproducibility characteristics of single-breasted camels.

Keywords: dromedary, bactrian, lactation, desert boat, meat, milk, pomegranate, worm, koshmok

БИР ЎРКАЧЛИ (CAMELUS DROMEDARIUS) ТУЯЛАРНИНГ БИОЛОГИК ЕТИЛУВЧАНЛИГИ.

А.Т.Есимбетов -биология фанлари доктори, доцент.

А.К.Тлеумуратов-ассистент.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали.

Аннотация: Ушбу мақолада бир ўркачли туяларнинг биологик,маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва етилувчанлиги келтирилган.

Калит сўзлар: дромедар, бактриан, лактация, чўл кемаси,гўшт,сут, нар, курт, кўшмоқ

Кириш. Бинобарин туяларни халқ оғзида «чўл кемаси» деб бекорга айтишмайди, сабаби туялар иссиқ иқлимга, узоқ муддат сувсизликка чидамли ҳайвон, шу боис туячилик чўл шароити чорвадорларида энг аҳамиятли ва фойдали тармоқ бўлиб ҳисобланади. Чўл худудларини ўзлаштиришда, кескин континенталь иқлимга чидамли бўлган маҳаллий халқни озиқ - овқат (гўшт, сут) маҳсулотлари билан таъминлашда, саноатни жун ашёси билан таъминлашда чорвачиликдаги асосий тармоқлардан бири бўлиб ҳисобланади. [3].

Ўзбекистон Республикасида асосан туячилик билан Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий Қизилқум худудларида шуғулланади. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида барча тоифадаги хўжаликларда жами туялар сони 5070 бошни ташкил қилади. Туяларнинг маҳсулдорлигини такомиллаштириш ва ирсий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, маҳсулдор линиялар яратиш, маҳсулдорлигини оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш муҳимдир. Шу боис, туялар биологик салоҳиятидан ҳамда ташкилий ва технологик омиллардан мажмуавий фойдаланиб маҳсулдорлигини ошириш бозор иқтисодиёти шароитида тармоқни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий қисим. Бир ўркачли туялар биологик хусусиятлари бўйича кавш қайтарувчи, ошқозони 3-камерали ҳайвонлар ҳисобланади. Улар асосан чўл ҳайвонлари ҳисобланиб, суткасига 70 км масофани босиб ўтишга қодир ҳайвон ҳисобланади. Бир ўркачли туялар совуқ иқлим шароитини хуш кўришмайдиган, намгарчиликни ёқтирмайдиган ҳайвондир шу боис, Қорақалпоғистон Республикасининг кескин континентал иқлим шароитига яхши мослашган ва ўзининг маҳсулдорлик имкониятини юқори даражада намоён қилувчи ҳайвон ҳисобланади.

Туяларнинг ўзига хос биологик хусусиятлари мавжуд бўлиб, булар қаторида 410-540 кун лактация даврининг давом этиши, йил давомида яйловларда боқилиб, сут соғиш мумкинлиги билан бошқа чорва ҳайвонларидан ажралиб туради. Она дромедар туялар (тоза зотли бир ўркачли туя) ва уларнинг дурагай авлодлари (нар, курт, кўшмоқ) она бактрианларга (икки ўркачли тоза зотли туялар) нисбатан серсут бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасида асосан бир ўркачли туялар (дромедарлар) урчитилади. Уларнинг ўртача ёши 20-25 ёш бўлиб, бу даврдаги умумий маҳсулдорлиги 9-11 бутолокни ташкил

этади. Ўртача тирик вазни эркак туяларда 600-650 кг. урғочи туяларда 450-500 кг ни ташкил қилади. [1], [3].

Бир бош туядан ўртача 2,8 кг жун маҳсулоти олинади. Ҳар лактация даврида туяларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги 2000-2500 кг, суткалик миқдори 6-8 кг га тенгдир. Туялар чўл ва ярим чўл худудларда яшашга ва юкори даражада мослашган бўлиб, сутининг миқдори ва сифати бўйича бошқа ҳайвонлардан қолишмайдиган арзон сут маҳсулотини бериш имконияти ҳалқни сут билан таъминлашда улардан озик-овқат захираси сифатида тўлиқ фойдаланиш учун асос яратади. [2].

Туялар бошқа ҳайвонларга нисбатан, кеч етилувчан ҳайвон ҳисобланади. Улар 2,5-3 ёшлигида жинсий балоғатга этади. Бу даврда эркак туяларни урғочиларидан ажратиб кўйиш талаб этилади. Акс ҳолда улар жуфтлашиб ўсиш ва ривожланишдан тўхтайдди. Шунга кўра урғочи туялар биринчи марта жуфтлашишга 3-4 ёшлигида, эркаклари эса 4-5 ёшлигида кўйилади. Бир ўрқачли туялар учун ушбу муддат энг қулай ҳисобланади.

Туялардан асосан 20 ёшга киргунча фойдаланиш мумкин. Сўнг уларнинг тишлари едирила бошлайди ва ем-хашакни ҳазм қилиш хусусияти пасаяди. Бинобарин бунда туялар семиртирилиб гўштга топширилади. Лекин қариб қолган туяларнинг гўшти чайир ва дағал бўлади.

Туяларнинг бўғозлик даври ҳар хил бўлади. Масалан, дромедар туяларда бу давр 13 ой давом этса, бактрианларда эса 14 ойга боради.

Бўталоқлари оналарини 18 ойлигига қадар эмади. Ҳар бир туя асосан бита ва камдан-кам иккита туғади. Фермер хўжалиги шароитида асосан туялар 18-19 туғим ёшида яроқсиз қилинади.[4]

Хулоса. Қорақолпоғистон чарводарлари ва соҳа олимлари олдида турган асосий вазифаларнинг бири туялар бош сонини кўпайтириш билан бир қаторда юкори маҳсулдорли туялар подасини, насли линиялар яратиш ҳамда туячиликдан олинандиган маҳсулотлар сифатини оширишнинг янги илмий, замонавий ва истиқболли усулларини ишлаб чиқишдир.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Абдиров Б. А., Сапарбаев Ж., Есемуратов П. Тўйешилиқ «Қарақалпақстан» Нөкис-2014. 13-17 бет.
2. Арзуманян. Ю. Некоторые данные к биологии и использованию верблюда. // Е.А Арзуманян. Животноводство. М.1964. 88
3. Турганбаев Р, Тлеумуратов А. Бир ўрқачли туяларнинг айрим биологик хусусиятлари XXX Международной научно-практической интернет конференции «Гуманитарное пространство науки: опыт и перспективы» Переяслав-Хмельницкий – 2021 Украина выпуск-30 стр 194-198.
4. Turganbaev R, Tleumuratov A. Selection of single-humped camels by udder structure. European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 2 No. 2, February 2021, ISSN: 2660-5643 6-10 бет..